



ГРАФИК ПЛАТЕЖЕЙ*
к договору (контракту) от 16.06.2022 г. № 10

между "Mirzo G'olib Invest" MChJ и Кушработ тумани ХТБ марказ на общую сумму 975000000,00

Глава 075
Казначейский лицевой счёт 401722860182167092100075002

(в сумах)

Наименование месяцев 2022 г.	Виды расходов** (соответствующий код бюджетной классификации)			Всего
	4321200			
Январь				
Февраль				
Март				
Апрель				
Май				
Июнь	975 000 000,00			975 000 000,00
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
Всего за год	975 000 000,00			975 000 000,00

Всего 975000000,00 сум

Девятьсот семьдесят пять миллионов сум 00 тийин

сумма прописью


Из вышеуказанной суммы 975000000,00 сум или 100,00%*** от общей суммы договора подлежат предоплате в _____ мес. 20__ г.

(*) — Бюджетные организации, получатели бюджетных средств и получатели средств ДЦФ, предоставляют в казначейские органы в 2 -х экземплярах;

(**) — Указывается раздел, глава, параграф и статья расхода;

(***) — Месячный _____% , от указанной выше суммы который необходимо оплатить до _____ числа текущего месяца. (Данное поле заполняется со стороны бюджетных организаций, получателей бюджетных средств и получателей средств ДЦФ в случае осуществления предоплаты в соответствии с порядком, установленным законодательством по договорам за оказание коммунальных услуг, услуг связи и предоставления в регулярном порядке товара (работ, услуг) указанных в правовых документах.)

Руководитель заказчика



М.П.

(подпись)

Холикулов Холмирза С.
Ф.И.О.

Главный бухгалтер заказчика

(подпись)

Мусулмонов Фахриддин
Ф.И.О.

Принял работник казначейского подразделения

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

Получил работник заказчика

(подпись)

«__» _____ 20__ г.

Қўшработ туман Халқ таълими бўлимига қарашли 66- умумтаълим мактаби спорт зал биносини қурилиш ишларини олиб бориш бўйича лот (10.06.2022 йилдаги № лота 98975) шартнома № 10

Қўшработ шахри

«16» Июнь 2022 йил

"MIRZO G'OLIB INVEST" МЧЖ кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади. Ўзининг Низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи Каленова Х номидан, бир томондан ва Қўшработ туман Халқ таълими бўлими (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади), ўзининг Низоми (низоми, устави, ишончнома) асосида иш юритувчи мудир Х. Холиқулов номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га **Қўшработ туман Халқ таълими бўлимига қарашли 66- умумтаълим мактаби спорт зал биносини қурилиш ишларини олиб бориш Очик бюджет (Опен бюджет) маблағлари ҳисобидан** (кейинги ўринларда - "Ишлар" деб юритилади) ишларини бажариш, "Буюртмачи" ушбу "Ишлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.2. "Ишлар"нинг аниқ турлари, уларнинг сони, сифати ва нархи, шунингдек уларни кўрсатиш муддатлари мазкур шартноманинг таркибий қисми ҳисобланган иловада келтирилади.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. " Буюртмачи "нинг ҳуқуқлари:

- 2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- 2.1.2. "Бажарувчи" дан "Ишлар" "Буюртмачи" нинг ҳисобига транспортда ташилганда транспорт харажатларини қоплашни талаб қилиш;
- 2.1.3. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ, бажариладиган «Ишлар» ни нуқсон далолатномасига мувофиқ тегишли сифатга эга бўлган "Ишлар" кўрсатилишини талаб қилиш;
- 2.1.4. Зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" кўрсатилган тақдирда ўз танлашига кўра:
 - зарур сифатга эга бўлмаган "Ишлар" шунга ўхшаш "Ишлар" билан алмаштирилишини;
 - "Ишлар"нинг камчиликлари бепул бартараф этилишини ёки камчиликлар "Буюртмачи" ёхуд учинчи шахслар томонидан тўғриланиши харажатларини қоплашни;
 - баҳосининг мутаносиб тарзда камайтирилишини талаб қилиш;
- 2.1.5. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

- 2.2.1 Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;
- 2.2.2. «Ишлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, қабул қилиш-топшириш далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб, ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказгандан сўнг ___кун мобайнида ҳақ тўлаш.

2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 2.3.1. Кўрсатилган "Ишлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;
- 2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи» қуйидагиларга мажбур:

- 2.4.1. "Буюртмачи"га "Ишлар"ни мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи" томонидан мазкур шартноманинг 4.8-бандида назарда тутилган тартибда берилладиган унинг буюртманомасига мувофиқ муддатлар, сифат ва миқдорда кўрсатиш;
- 2.4.2. Агар "Ишлар"ни бажариш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни ___ кун муддатда текин таъмирлаб бериш.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси **30 % (292 500 000) (Икки юз тўқсон икки миллион беш юз минг) сўм НДС билан 975 000 000 (Тўққиз юз етмиш беш миллион)** сўмни ташкил этади. Бажариладиган "Ишлар"нинг баҳоси мазкур шартномага иловада кўрсатилган.
- 3.2. Кўрсатилган "Ишлар" учун пул кўчириш йўли билан нақд пулсиз тартибда ҳисоб-китоб қилинади.
- 3.3. Бажариладиган ишлар(хизматлар) учун олдиндан тулов миқдори 30% ни ташкил қилади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

4.0. Ишларни бажариш муддати **2022 йил 16 - Июндан 2022 йил 30 Сентябргача** белгиланади.

4.1. Шартнома мазкур шартнома ва қонун ҳужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4.3. "Ишлар" қабул қилиш-топшириш далолатномалари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.

4.4. "Буюртмачи" муддатлар бузилган ҳолда кўрсатилган "Ишлар"ни қабул қилишни рад этишга ҳақлидир.

4.5. Назарда тутилган ҳажмдан ортиқча бир номда "Ишлар" кўрсатилиши ушбу ассортиментга кирувчи бошқа номдаги кўрсатилмаган "Ишлар" ўрнини тўлдириш сифатида қаралмайди ва кўрсатилмаган "Ишлар"нинг ўрни тўлдирилиши керак, бундай "Ишлар" "Буюртмачи"нинг олдиндан берилган ёзма розилиги бўйича кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

4.6. Бажарилган "Ишлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан далолатнома бўйича қабул қилинади. Далолатномада бажарилган "Ишлар" ҳажми, уларнинг сифати кўрсатилади.

4.7. Шартномада назарда тутилган "Ишлар" кўрсатилиши мазкур шартномага мувофиқ ёки "Буюртмачи"нинг буюртманомасида кўрсатилган муддатлар ва ҳажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади. Ушбу мақсадларда "Бажарувчи" Буюртмачиларнинг буюртманомаларини рўйхатдан ўтказиш дафтарини юритади. Буюртманома "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш мўлжалланаётган санасигача камида 5 кун олдин чопар орқали, почта орқали ёки бошқача тарзда берилади.

Буюртманомани чопар орқали қабул қилишда "Бажарувчи"нинг ходими "Буюртмачи"да қоладиган нусхага санани кўрсатган ҳолда у қабул қилинганлиги тўғрисида белги қўяди.

4.8. "Буюртмачи" илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёхуд "Ишлар"нинг тегишли қисмларини кўрсатиш санасини ўзгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда "Бажарувчи"ни буюртманомада кўрсатилган сана бошланишидан камида 1 кун олдин хабардор қилади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Бажарилаётган "Ишлар" сифати, ҳажми "Бажарувчи" томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундирилиши ҳоллари аниқланган тақдирда "Бажарувчи" бажарилаётган "Ишлар"нинг сифатини, шунингдек уларнинг ҳажмини ҳисобга олган ҳолда қайта ҳисоб-китоб қилади, ҳисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташқари буюртмачига нотўғри ҳисоб-китоб қилинган сумманинг 20 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

5.2. Агар бажарилган "Ишлар"нинг сифати, ассортименти, навлари стандарт, техник шартлар талабларига, намуналарга (эталонларга) ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда, айбдор томон кўрсатилган, сифати зарур даражада бўлмаган "Ишлар" қийматининг 20 фоизи миқдориди жарима тўлайди.

5.3. "Ишлар" кўрсатиш бўйича шартномада назарда тутилган мажбуриятлар бажарилиши рад этилганлиги учун "Бажарувчи" "Буюртмачи"га белгиланган устамалардан ташқари кўрсатилиши керак бўлган "Ишлар"нинг 25 фоизи миқдориди жарима тўлайди. Жаримадан ташқари, "Бажарувчи" "Буюртмачи"га "Ишлар" бажарилмаслиги натижасида етказилган зарарни тўлайди.

5.4. Ишлар бажариш кечиктирилган ёки тўлиқ бажарилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган "Ишлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак. Пеня тўланиши шартнома мажбуриятларини бузган томонни шартномани зарур тарзда бажаришдан ва "Ишлар" бажариш муддати кечиктирилиши ёки тўлиқ бажарилмаслиги туфайли етказилган зарарлар қопланишидан озод этмайди.

5.5. Бажарилган "Ишлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Буюртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди махсус ҳисобрақамидан пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.6. "Буюртмачи" томонидан тегишли контрактация шартномаси бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун "Буюртмачи"ни жавобгарликка тортишда шунингдек унинг хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) "Буюртмачи" томонидан контрактация шартномаси бўйича шартнома мажбуриятлари бажарилмаслигига (зарур тарзда бажарилмаслигига) олиб келган "Бажарувчи"нинг жавобгарлиги ҳам кўриб чиқилади. "Бажарувчи"нинг айби билан контрактация шартномасининг "Буюртмачи" томонидан бажарилмаслиги (зарур тарзда бажарилмаслиги) натижасида етказилган зарар белгиланган тартибда "Бажарувчи" томонидан қопланади.

5.7. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ қўлланилади.

5.8. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида бажарилган ишлар ва товар махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ «Ишлар» бажарувчи томонидан қопланади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар, қоидага кўра, мустақил равишда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўрадилар.

6.2. Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни ҳал этиш учун бевосита судга муурожаат қилишга ҳақлидир.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома 2022 йил «16» Июндан 2022 йил «31» декабргача амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ШАРТНОМАНИНГ ҚОНУНИЙ КУЧГА КИРИШИ

8.1 Шартномани тарафларнинг узаро келишувига асосан ёки Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига ҳамда амалдаги қонун ҳужжатлари нормаларига биноан келтирилган зарарни тулаган ҳолда муддатидан илгари бекор қилиши мумкин.

8.2 Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб Қўшработ тумани буйича Ғазначилик бўлинмасида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилгандан сунг қонуний кучга киради.

IX. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

9.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.

9.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

9.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик кучга эгадир.

9.4. Мазкур шартнома, унга ўзгартиришлар (қўшимчалар) рўйхатдан ўтказилгандан кейин бажарилиши керак.

X. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Ижрочи»	«Буюртмачи»
"MIRZO G'OLIB INVEST" МЧЖ	Қўшработ туман Халқ таълими бўлими
Манзили: Пайариқ тумани	Қўшработ тумани маркази
тел/факс :	Тел/ факс:
х/р: 2020800000707300001	х/р; 4017228601821670 <i>92100075002</i>
Банк номи: Микрокредитбанк АТБ Самарқанд	ИНН: 200750763 ИФУТ 97600
вилоят минтақавий филиали МФО: 00281	Қўшработ тумани бўйича ғазначилик бўлинмаси
ИНН: 304522178	Тошкент ш МБ ХККМ ББ МФО: 00014
ИФУТ: 61110	х/р: 23402000300100001010
	ИНН: 206919238 ОКОНХ: 97160
Раҳбар: <i>[Signature]</i> Х.Калонова	мудир <i>[Signature]</i> Х. Холиқулов

Хуқуқшунос .
Имзо

Имзо

Хуқуқшунос .





O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
SAMARQAND VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
QO'SHRABOT TUMAN YURIDIK XIZMAT
KO'RSATISH MARKAZI

*Qo'shrabot tumani Qo'ralos MFY Zahriddin Muhammad Bobur ko'chsi
Davlat xizmatlari markazi binosi*

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA**

Hujjat raqami №OC75678625

1. Loyihaning turi: Shartnoma
2. Loyihaning nomi: "MIRZO G'OLIB INVEST" MChJ bilan Qo'shrabot tuman xalq ta'lim bo'limi o'rtasida tuzilgan shartnoma.
3. Loyiha ishlab chiqaruvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Qo'shrabot tuman xalq ta'lim bo'limi 15.06.2022-yil.
4. Loyiha haqida huquqiy xulosa: Tuzilgan shartnoma O'zbekiston Respublikasi "Xo'jalik yurituvchi subyektlar faoliyatining shartnomaviy huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonunga, O'zbekiston Respublikasi Qonunchilik palatasi tomonidan 2020-yil 1-dekabrda qabul qilingan "Davlat xaridlari to'g'risida"gi qonunga muvofiq tuzilgan.

Qo'shrabot tuman yuridik xizmat ko'rsatish markazi tomonidan qonunga muvofiq dep topildi.

Markaz boshlig'i
3-darajali yurist
16.06.2022-yil.



A.Usarov



"ТАСЛИКЛАЙМАН"
Қўшработ туман ХТБ мудирининг
Х.Холикулов
июнь 2022 йил

Қўшработ тумани халқ таълими бўлими ҳузуридаги доимий ишловчи танлов
комиссияси йиғилиши

БАЁННОМАСИ № 1

18 июнь 2022 йил

ХТБ биноси

Йиғилиш раиси: Ш.Юсупов.

Йиғилиш котиби: А.Давлатов

Йиғилишда танлов комиссияси аъзолари Ф.Мусулманов, Ў.Зоиров,
М.Сайфиев, Ф.Бердиевлар иштирок этди.

КУН ТАРТИБИ:

1. Қўшработ тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси бошлиғи Ў.Абдувоҳидовнинг 17 июнь 2022 йилдаги 01-18-216/31-01-32/14-сонли "Самарқанд шаҳар "Аман" адвокатлик ҳайъати томонидан 2022 йил 13 июндаги 152-сонли хатида "ТЕХНО ROVOT" ХК нинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилинаётганлиги муносабати билан Қўшработ туман ХТБга қарашли 66-сон мактаб спорт зали қурилиши бўйича 2022 йил 10 июнь куни ўтказилган танлов комиссиясининг ҳулосасига норозилик вужудга келганлиги ва "MIRZO G'OLIB INVEST" МСНҲ томонидан тақдим қилиниши кўзда тутилган шартномани рўйхатдан ўтказмасдан туриш мазмунидаги муурожаати ҳақида" ги хати тўғрисида.

Йиғилишни Қўшработ тумани халқ таълими бўлими ҳузуридаги доимий ишловчи танлов комиссияси раиси Ш.Юсупов кириш сўзи билан очиб, Қўшработ тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси бошлиғи Ў.Абдувоҳидовнинг юқорида кўрсатиб ўтилган хатининг мазмунини йиғилиш иштирокчиларига батафсил тушунтириб ўтди.

Кун тартибидаги масала юзасидан танлов комиссияси котиби А.Давлатов сўзга чиқиб, 2022 йил 10 июнь куни Қўшработ туман халқ таълими бўлимига қарашли 66-умумий ўрта таълим мактаби спорт зали қурилиши бўйича махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида танлов ўтказилиши тўғрисида жойлаштирилган эълон асосида танлов комиссияси барча аъзолари иштирокида, ушбу танловда

иштирок этиш таклифини берган ("TEXNO ROVOT" ХК, "MIRZO G'OLIB INVEST" МСНҲ, ЧП ВО'СТОН, ООО ҚІҲҚІМ МЕ'МОРІ) қурилиш ташкилотлари иштирок этганлигини, Қўшработ туман халқ таълими бўлимига қарашли 66-умумий ўрта таълим мактаби спорт зали қурилиш ишларини олиб бориш Очиқ бюджет ишларни бажарувчи бажарувчи корхона ва ташкилотлар ишларни сифатли ва ўз вақтида бажариши учун ишчилар сони 30 кишидан кам бўлмаслиги шулардан камида 10 кишиси уста қурувчи бўлиши керак ва ишларни бажарадиган корхона камида 10 йиллик иш тажрибага эга бўлиши кераклиги, Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлигидаги электрон рейтинг жадвалида ўз ўрнига эга рейтингга эга бўлиши, солиқ органларидан қарздорлиги йўқлиги тўғрисида тасдиқланган маълумотнома ва банкдан бир йиллик абороти (айланма пули) тўғрисида ҳисоб рақамларидаги қолдиғи тўғрисида маълумотнома бўлиши кераклиги (айланмасидаги маблағлари кўплигига ҳам эътибор қаратилади), ишларни сифатли ва ўз вақтида бажариши учун корхонада камида 4 тадан кам бўлмаган юк ташувчи ва енгил автомобиллари бўлиши кераклиги ва бошқа қурилиш механизмларига ҳам эга бўлиши кераклиги ҳисобга олиниб, Қўшработ тумани халқ таълими бўлими ҳузуридаги доимий ишловчи танлов комиссияси аъзолари томонидан балл берилганлигини ва берилган жами балл йиғиндисига асосан "TEXNO ROVOT" ХК си 63 балл, ЧП ВО'СТОН ХК си 68 балл, "MIRZO G'OLIB INVEST" МСНҲ си 75 балл, ООО ҚІҲҚІМ МЕ'МОРІ ХК си 70 балл олганлигини, энг кўп балл тўплаган "MIRZO G'OLIB INVEST" МСНҲ ва ООО ҚІҲҚІМ МЕ'МОРІ ХК лар кейинги босқич танловида иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлганлигини таъкидлаб ўтди.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, Қўшработ тумани халқ таълими бўлими ҳузуридаги доимий ишловчи танлов комиссияси йиғилиши


ҚАРОП ҚИЛАДИ:

1. Қўшработ тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси бошлиғи Ў.Абдувоҳидовнинг юқорида кўрсатиб ўтилган хати ва Қўшработ туман ХТБга қарашли 66-сон мактаб спорт зали қурилиши бўйича 2022 йил 10 июнь куни Қўшработ туман халқ таълими бўлимига қарашли 66-умумий ўрта таълим мактаби спорт зали қурилиши бўйича махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида танлов ўтказилиши тўғрисида жойлаштирилган эълон асосида ўтказилган танлов натижалари ҳақидаги доимий ишловчи танлов комиссияси раиси Ш.Юсупов ва котиби А.Давлатовларнинг ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қўшработ туман халқ таълими бўлимига қарашли 66-умумий ўрта таълим мактаби спорт зали қурилиши бўйича махсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимида танлов ўтказилиши тўғрисида жойлаштирилган эълон асосида ўтказилган танлов натижаларига асосан "MIRZO G'OLIB INVEST" МСНЖ энг юқори балл (93.90706) тўплаганлиги ва танлов ғолиби бўлганлиги кўрсатиб ўтилсин.


3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш Қўшработ тумани халқ таълими бўлими ҳузуридаги доимий ишловчи танлов комиссияси котиби А.Давлатов зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш раиси:




Ш.Юсупов

Йиғилиш котиби:



А.Давлатов.

Аъзолари:




Ф.Бердиев



Ф.Мусулмонов



Ў.Зоиров



М.Сайфиев